



ХАЛҚАРО ИНВЕСТИЦИОН АРБИТРАЖДА “ИНВЕСТИЦИЯ” ТУШУНЧАСИНИ ТАЛҚИН ҚИЛИШ МУАММОЛАРИ

Рашидова Муштариёбегим Ўткир қизи

Тошкент давлат юридик университети
Магистратура босқичи талабаси
e-mail: mushtariybegimrashidova@gmail.com
<https://doi.org/10.5281/zenodo.7964836>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 18-May 2023 yil
Ma'qullandi: 20-May 2023 yil
Nashr qilindi: 24-May 2023 yil

KEY WORDS

халқаро ҳуқуқ, халқаро
инвестиция атамаси,
Салини тести, халқаро
инвестицион арбитраж,
халқаро икки томонлама
шартнома, халқаро кўп
томонлама шартнома,
халқаро низо

ABSTRACT

Муаллиф ўз мақоласида халқаро арбитраж судлари “инвестиция” тушунчасини талқин қилишда дуч келадиган муаммоларини келтириб ўтган. Инвестиция амалга оширилганлиги борасида келиб чиқадиган муаммоларни самарали ечишда арбитраж қандай инструментлардан фойдаланишлари турли прецедент кейсларини анализ қилиш орқали батафсил таҳлил қилиб берилган.

Халқаро ҳуқуқда “инвестиция” тушунчасини аниқлаш муаммоси муҳим аҳамият касб этади. “Ratione materiae” элементининг ажралмас қисми сифатида, “инвестиция” тушунчасини талқин қила билиш юрисдикцион масала ҳисобланади. Содда қилиб айтганда, агар инвестиция содир этилмаган бўлса, арбитраж низоли кўриб чиқишда ваколатга эга бўлмайди. Қолаверса, инвестицияларнинг халқаро ва маҳаллий миқёсда давлат ҳимоясига олиниши ва инвесторларга турли кафолат ва имтиёзлар тақдим этилиши масаласи ҳам киритилган сармоя “инвестиция” тушунчасига мос келишига боғлиқдир.

1965 йилги “Давлатлар ва ажнабий шахслар ўртасидаги инвестицияга доир низолини ҳал этиш тартиби тўғрисида”ги Вашингтон конвенциясининг қабул қилиниши жараёнида 50 йилдан охиқ вақт ўтгандан сўнг Инвестицион низолини тартибга солувчи халқаро марказнинг (ICSID) юрисдикциясини аниқлашда “инвестиция” тушунчасини таҳлил қилиш билан боғлиқ муаммолар шу қадар долзарб ва мунозарали масалага айланишини олдиндан кўра билиш имконсиз эди.

Вашингтон конвенциясининг 25-моддасига мувофиқ, бундай юрисдикция Аҳдлашувчи давлатлар ва бошқа Аҳдлашувчи давлатлар инвесторлари ўртасидаги бевосита инвестициялар билан боғлиқ бўлган низолига таалуқлидир¹. Ушбу моддада инвестиция тушунчаси ёритиб берилмаганлиги сабаб, “инвестиция” тушунчаси “чек-

¹ Convention on the Settlement of Investment Disputes between States and Nationals of other States (signed 18 March 1965, entered into force 14 October 1966) 575 UNTS 159 (ICSID Convention) (Appendix 12 below) art 25.

чегарасиз” талқин қилиниши мумкиндек кўринади. Аммо, *ICSID конвенциясига ёзилган шарҳларнинг биринчи нашрида* профессор **Кристоф Шроер** инвестиция деб ҳисобланиши мумкин бўлган иқтисодий фаолиятнинг турли соҳаларини санаб ўтган, жумладан:

“... меҳмонхоналар қуриш ва улардан фойдаланиш, тола ва тўқимачилик ишлаб чиқариш, тоғ-кон саноати, шифохона биноси қуриш, нефть маҳсулотларини ишлатиш ва тарқатиш, пластик бутилкалар ишлаб чиқариш, пахта заводи, алюминий заводи қуриш ва фойдаланиш, ўрмон хўжалиги, қайта тиклаш, балиқ овлаш кемаларини жиҳозлаш ва улардан фойдаланиш, қурол ишлаб чиқариш, туристик курорт лойиҳалари, фойдали қазилмаларни денгиз орқали ташиш, синтетик ёқилғи лойиҳаси, қисқичбақалар етиштириш, банк, қишлоқ хўжалиги фаолияти, кабел телевидениеси тизимини қуриш ва кредитлар бериш”².

Шроер ушбу рўйхатни 2001 йилда тузган бўлиб, мазкур вақтдан бошлаб юқорида қамраб олинган иқтисодий фаолият тоифалари ўсишда давом этди. Шу билан бирга, ушбу рўйхатга киритилиши мумкин бўлган баъзи фаолият турлари чиқариб тушланди, масалан, *кафолатлар тақдим этиш, электр энергияси ишлаб чиқариш, телекоммуникацияларни лицензиялаш ва истеъмолчиларга тақдим этиладиган банк хизматлари*. Бу эса асосий масала қамраб олинган иқтисодий фаолият соҳаси эмас, балки ушбу фаолиятнинг **шакли** ва **табиатида** эканлигини кўрсатади.

Бироқ, инвестициянинг ягона таърифининг мавжуд эмаслиги халқаро арбитрлар томонидан ушбу модданинг қўлланилишига тўсқинлик қилмади. Аксинча, бу концепциянинг *эгилювчанлик* хусусиятини ошириб, арбитрларга *кенгроқ талқин* қилиш имкониятини очиб берди. Шунга қарамай, “кенг талқин” ибораси арбитрларга улар истаган ҳар қандай тушунчани “инвестиция” дея талқин қила оладилар, деган нотўғри қарашни шакллантирмаслиги лозим. Арбитрлар “инвестиция” тушунчасини талқин қилишда бир қатор **методларга** таянадилар:

1. Консенсуал метод – инвестицияни Икки томонлама инвестицион шартномалар (кейинги ўринларда - ИХШ) ва кўп томонлама инвестиция шартномалари орқали аниқлаш.

“Инвестиция” атамаси шартномаларда **уч турдаги контекстда** қўлланилади³.

Биринчи контекст – *ratione materiae* доирасида ҳимоя объекти сифатида. Масалан, Буюк Британия наъмунавий икки томонлама инвестицион шартномасининг 2-моддасида “*Ҳар қандай Аҳдлашувчи томон фуқаролари ёки компаниялари инвестицияларига нисбатан “адолатли ва тенг” шароит яратиб берилади*”⁴, деб белгилаб қўйилган бўлиб, ушбу контекстда инвестиция ҳимоя объекти сифатида кўрсатилган.

Иккинчи контекст – низони арбитражда кўриб чиқилишига розиликни ифодаловчи формулалардаги ҳаволаларда. Масалан, Германия намунавий шартномасининг 10-моддасида:

² Schreuer (1st edn, 2001) 138 para 119.

³ Principles of International Investment Law (3rd Edition) Ursula Kriebaum, Christoph Schreuer, Rudolf Dolzer

⁴ UK Model BIT (2005) Article 2(2).

1) Аҳдлашувчи Давлат ва бошқа Аҳдлашувчи Давлат инвестори ўртасидаги инвестициялар билан боғлиқ низолар имкон қадар низо томонлари ўртасида дўстона музокаралар йўли билан ҳал этилади.

2) Агар низо ... билан ҳал қилинмаса, низо кўриб чиқилиш учун арбитражга юборилиши лозим⁵.

Учинчи контекст – Вашингтон конвенциясига мувофиқ трибунал юрисдикциясини аниқлашда инвестиция мавжудлиги талаби.

Вашингтон конвенциясининг 25-моддасига асосан Трибунал томонидан низо кўриб чиқилишининг асосий талаби инвестициянинг мавжудлигидир.

Шундай қилиб, киритилган сармоя инвестиция деб тан олинishi ёки олинмаслиги, мазкур сармоянинг халқаро миқёсда ҳимоя қилинмаслиги, инвестиция қабул қилувчи мезбон давлатнинг ҳимояси, имтиёзларидан махрум бўлиши ва низо келиб чиққанда арбитраж судининг юрисдикциясини аниқлаш каби муаммоларни келтириб чиқариши мумкин. "Инвестиция" тушунчасини аниқлашда арбитражлар Вашингтон конвенциясидан ташқари инвестицияларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш тўғрисидаги икки томонлама битимлар ва давлатлар ўртасида тузилган кўп томонлама битимларга таянишади.

Кўп томонлама инвестиция битимларига (**Multilateral investment treaties**) *ICSID конвенцияси* (1965 йилги Вашингтон конвенцияси), *Мига конвенцияси* (Инвестицияларни кафолатлаш бўйича кўп томонлама агентликни ташкил этиш тўғрисидаги халқаро конвенция) ва *ТРИМС* (Шартнома билан боғлиқ инвестиция чоралари) киради.

Инвестицияларни ҳимоя қилиш бўйича шартномаларнинг 98% дан ортиғи инвестиция таърифини ўз ичига олади⁶. Кўпгина ХИШларда "инвестиция" атамаси **иккита асосий ёндашувдан** бири билан белгиланади: "**активга асосланган**" (**asset-based definition**) ёки "**корхонага асосланган**" (**enterprise-based definition**). Атамалардан кўриниб турибдики, активларга асосланган таъриф чет элликларнинг мулки ва ҳуқуқларини ҳимоя қилади, корхонага асосланган таъриф эса хўжалик юритувчи субъектга ёки унинг бир қисмига чет эл фуқаросининг эгалик қилиши ёки назоратни амалга оширишини назарда тутди.

Мавжуд икки томонлама инвестицияларни ҳимоя қилиш шартномаларининг аксариятида келтириб ўтилган инвестицияларнинг таърифлари активларга асосланади (**Asset-based definition**). Бир-бирига ўхшаб, бу таърифлар жуда кенг бўлиб, одатда инвестиция инвесторнинг барча активларига, шу жумладан акция капиталларига, қарз мажбуриятларига, шартномаларга, мулкка, акцияларга, закат ва гаров ҳуқуқларига, шунингдек гаров ёки мезбон ҳуқуқат томонидан берилган лицензияларга нисбатан қўлланилиши мумкинлигини билдиради.

Бундан ташқари, мисоллар рўйхати иллюстратив ва очиқ бўлиб, тушунча фаолият турларининг кенг доирасини ўз ичига олади. Шундай қилиб, "инвестиция" атамаси анъанавий тарзда тушуниганидан анча кенгроқ. Янги ИХШлар кўпинча аниқ талаблар ва/ёки айрим истиснолар билан таърифни чеклаб қўйган бўлса-да, аксарияти ҳали ҳам кенг қўламли тижорат фаолиятини қамраб олади.

⁵ German Model Treaty (2008) Article 10.

⁶ <https://jusmundi.com/en/document/publication/en-definition-of-investment>

Энергетика Хартиясига оид Шартноманинг 6-моддасида “инвестиция” тушунчаси активларга асосланган таърифни ўзида мужассам этган:

“Инвестиция” тўғридан-тўғри ёки билвосита инвесторга тегишли ёки назорат қилинадиган ҳар қандай турдаги активларни англатади ва қуйидагиларни ўз ичига олади:

а. моддий ва номоддий, қўчар ва қўчмас мулк ва ижара, ипотека, ушлаб туриш ҳуқуқи ва гаров каби ҳар қандай мулкӣ ҳуқуқлар;

б. компания ёки тижорат корхонаси, компания ёки тижорат корхонасидаги ҳиссалар ва улушлар ёки капиталнинг бошқа шакллари, шунингдек компания ёки тижорат корхонасининг облигациялари ва бошқа қарз мажбуриятлари;

в. иқтисодий аҳамиятга эга бўлган ва инвестиция билан боғлиқ бўлган шартнома бўйича пул ва ижро даъволари;

г. интеллектуал мулк;

д. қайтаришлар;

е. қонун ёки шартнома билан ёки қонунга мувофиқ берилган лицензиялар ва рухсатномалар асосида энергия соҳасида ҳар қандай иқтисодий фаолиятни амалга ошириш учун берилган ҳар қандай ҳуқуқ.

Энергетика соҳасидаги энергетика фаолияти билан боғлиқ ҳар қандай сармоялар “инвестицияларга” киради, шунингдек Аҳдлашувчи Тараф томонидан унинг ҳудудида “Умумий самарадорлик лойиҳалари” сифатида белгиланган ма шу сабабли Котибиятга хабар қилинган инвестициялар ёки инвестициялар синфларига тегишлидир⁷.

Корхонага асосланган таърифлар (enterprise-based definition) анча чекланган бўлиб, ушбу таърифларда инвестициялар корхоналар ёки корхонанинг акциялари сифатида белгиланган. Эркин савдо шартномаларида аввалдан мавжуд бўлган корхонага асосланган таърифлар қабул қилувчи томоннинг мажбуриятлари фақат маълум тартиб-қоидаларга мувофиқ яратилган лойиҳаларга таалуқли бўлишини таъминлаши мумкин. Кўчмас мулк ва портфель акцияларига эгалик ҳуқуқлари “инвестиция” сифатида ҳимояга кирмайди.

Масалан, **Канада ва Хитой ўртасидаги икки томонлама инвестиция битимининг** концептуал аппаратида инвестиция тушунчаси мавжуд. У ерда, “инвестиция” таърифи қуйидагилар киради:

а) корхона;

б) корхонадаги улуш, акция ёки бошқа турдаги улушли иштирок;

в) облигация, қарз мажбурияти ёки корхонанинг бошқа қарз воситаси;

г) корхонага берилган кредит;

д) юқоридаги (в) ва (г) кичик бандлардан қатъи назар, молия институти томонидан чиқарилган кредит ёки қарз таъминоти, агар кредит ёки қарз таъминоти молия муассасаси ҳудудида жойлашган Томон томонидан тартибга солувчи капитал сифатида қаралса;

е) эгасига корхона даромади ёки фойдасидан улуш олиш ҳуқуқини берувчи корхонадаги улуш;

⁷ <https://jsumundi.com/en/document/treaty/en-the-energy-charter-treaty-the-energy-charter-treaty-1994-saturday-17th-december-1994>

г) корхона тугатилгандан сўнг егасига унинг активларидан улуш олиш ҳуқуқини берувчи корхонадаги улуш;

х) бир Аҳдлашувчи Томон ҳудудига иқтисодий фаолиятни амалга ошириш мақсадида капитал ёки бошқа ресурсларни қўчириш шаклидаги инвестициялар;

(и) Томон ҳудудида инвесторнинг мулкнинг мавжудлигини назарда тутувчи шартнома, шу жумладан қурилиш шартномалари, иш шартномалари, концессиялар ёки

(ж) иш ҳақи тўғридан-тўғри корхонанинг маҳсулот ҳажми, айланмаси ёки фойдасига боғлиқ бўлган шартнома;

(к) интеллектуал мулк ҳуқуқи; Ва

(л) иқтисодий манфаат ёки бошқа тадбиркорлик мақсадлари учун олдиндан сотиб олинган ёки фойдаланилган ҳар қандай бошқа моддий ёки номоддий, қўчар ёки қўчмас мулк ва тегишли мулк ҳуқуқи;

биноқ "инвестициялар" қуйидагиларни англатмайди:

(л) фақат қуйидагилардан келиб чиқадиган пул даъвоси:

(м) бир Томон ҳудудидаги фуқаро ёки корхона томонидан бошқа Томон ҳудудидаги корхонага товар ёки хизматни сотиш бўйича тижорат шартномаси ёки

(о) савдони молиялаштириш каби тижорат операцияси муносабати билан кредит, шу жумладан банк кредитларини бериш; ёки

(о) бошқа пул талаблари,

у (а)-(л) кичик бандларида кўрсатилган активларга тааллуқли бўлмаса;

Аниқлик учун, активни инвестициялаш шаклидаги ҳар қандай ўзгариш унинг инвестиция сифатидаги хусусиятига таъсир қилмайди⁸.

2. Баъзи бир икки томонлама инвестиция шартномалари активлар инвестиция деб ҳисобланиши учун маълум бир сифатларга, яъни *давомийлик, таваккалчилик, сармойанинг мавжудлиги* каби хусусиятларга эга бўлиши (**Салини тести асосида**) лозимлигини назарда тутати. Яққол мисол қилиб **Швейцария федерал консуллиги ва Тунис Республикаси** ўртасидаги "Инвестицияларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш тўғрисида"ги битимни келтириш мумкин. Мазкур битимнинг **1 (1)-моддаси** шундай дейди: "Инвестициялар" атамаси инвестиция хусусиятларига эга бўлган, яъни капитал ёки бошқа ресурслар киритилиши, инвестиция давомийлиги, даромад ёки фойда келтирувчи ва таваккалчиликка асосланган, каби хусусиятларга эга барча тоифадаги активларни ўз ичига олади"⁹. 2012 йилда Хитой, Япония ва Корея ўртасидаги имзоланган уч томонлама шартномада ҳам аналогик таърифни кўришимиз мумкин¹⁰. Салини тести¹¹ арбитраж судлари томонидан Вашингтон конвенциясининг 25(1)-моддасида келтирилган "инвестиция" атамасини аниқлашда қўлланиладиган етакчи воситалардан ҳисобланади.

Шундай қилиб, ICSID судлари одатда таҳмин қилинаётган сармоя Вашингтон конвенциясининг 25(1)-моддасига мувофиқ "инвестиция" эканлигини аниқлаш учун

⁸ https://www.international.gc.ca/trade-commerce/trade-agreements-accords-commerciaux/agr-acc/hong_kong/fipa-apie/index.aspx?lang=eng

⁹ <https://investmentpolicy.unctad.org/international-investment-agreements/treaties/bits/2998/switzerland---tunisia-bit-2012->

¹⁰ <https://edit.wti.org/document/show/7b8c31e0-f434-4324-a534-98312b82eec5>

¹¹ <https://www.italaw.com/cases/958>

Салини тестини ёки унинг такомиллаштирилган версиясини қўллайдилар. ICSID томонидан кўрилмаётган ишларда ҳам арбитрлар Салини тестидан фойдаланган ҳолатлари мавжуд.

Салини тести биринчи марта **“Salini Construttori S.p.A. and Italstrade S.p.A. v. Kingdom of Morocco”** ишида¹² қўлланилган бўлиб, унда тахмин қилинаётган сармоялар Вашингтон конвенциясининг 25(1)-моддасига мувофиқ “инвестиция” деб ҳисобланиши учун 4 та мезонга мос келиши лозимлиги таъкидланган:

(1) **Сармоя**; (2) **давомийлик**; (3) **таваккалчилик** ва (4) **мезбон давлатнинг, яъни инвестицияни қабул қилувчи давлатнинг ривожланишига хисса қўшганлик** мезонлари.

Салини ишини кўрган трибуналинг таъкидлашича, ушбу тўртта мезон *“бир бирига чамбарчас боғлиқ”* ва, албатта, *“глобал миқёсда қўлланилиши лозим”*.

«Hope Services v. Cameroon» ишида эса Американинг “Hope services” номли ИТ-компанияси ICSIDга улар томонидан ишлаб чиқилган ва фойдаланишга топширилган ИТ-платформа Камерун ҳукумати томонидан ўзлаштирилганлиги муносабати билан арбитраж судига мурожаат қилди. Жавобгар ўз жавобида Даъвогар учта асосий мезонга, яъни муҳим хиссанинг мавжудлиги, мўлжалланган инвестор учун ҳавфнинг мавжудлиги ва маълум муддатга жавоб берадиган инвестицияларни амалга оширмаганлигини таъкидлади. ICSID эса ўз қарорида шундай тўхтамга келди: *“Трибунал Шартномасининг I (1) (b) моддасида санаб ўтилган активлар Шартнома ва Конвенция маъносида инвестициянинг объектив концепциясига мос келишини аниқлашда юқорида келтирилган мезонларнинг фойдалилигига ишонч ҳосил қилади. Бироқ, даъвогар таъкидлаб ўтганидек, ушбу мезонлар қатъий қўлланилмаслиги лозим, балки зарур мослашувчанлик ва ишнинг барча ҳолатларини ҳисобга олган ҳолда қўлланилиши керак”*¹³.

Айрим судлар ўз ўрнида Салини тестидаги тўртта мезон *мустақил талаблар* сифатида эмас, балки тахмин қилинаётган сармоя 25 (1) моддага мувофиқ “инвестиция” эканлигини аниқлашда *эътиборга олиниши лозим бўлган омиллар* сифатида қўлланилиши кераклигини таъкидлашади.

Шу билан бирга, баъзи трибуналлар Салини тестини тўғридан-тўғри қўлласа, бошқалари тестнинг ўзгартирилган, такомиллаштирилган версиясини, хусусан, бир ёки бир нечта мезонларини ўзгартириш, ўчириш ва/ёки қўшиш орқали қўллайдилар.

Мисол учун, *Joy mining компаниясининг Мисрга қарши қўзғатилган* ишида трибунал инвестиция қабул қилувчи давлатнинг иқтисодий ривожланишига хисса қўшиш мезонини “сезиларли хисса” атамасига ўзгартирди¹⁴. Яна бир бошқа ҳолатда эса, *«Quiborax v. Bolivia»* ишида трибунал инвестиция қабул қилувчи давлатнинг иқтисодий ривожланишига хисса қўшиш лозимлиги тўғрисидаги мезонни тамоман бекор қилди¹⁵. Ниҳоят, *Phoenix Action компаниясининг Чехия Республикасига қарши*

¹² Қаранг: ўша ерда.

¹³ <https://www.italaw.com/cases/8431>

¹⁴ <https://jsumundi.com/en/document/decision/en-joy-mining-machinery-limited-v-arab-republic-of-egypt-award-on-jurisdiction-friday-6th-august-2004>

¹⁵ <https://jsumundi.com/en/document/decision/en-quiborax-s-a-non-metallic-minerals-s-a-v-plurinational-state-of-bolivia-decision-on-jurisdiction-thursday-27th-september-2012>

ишида, суд активларни қабул қилувчи давлат қонунларига мувофиқ инвестиция қилиниши ва активлар виждонан инвестиция қилиниши кераклиги ҳақидаги мезонларни кўшди¹⁶.

3) “**Double-barreled test**”, ёки “**double keyhole test**” ва яна бошқача қилиб айтганда “**twofold test**” (“икки босқичли тест” маъносини англатади) арбитраж судлари томонидан ўзларининг умумий ва махсус юрисдикциясини аниқлаш мақсадида Вашингтон конвенциясининг 25-моддасига мувофиқ (**объектив тест**) ва низо юзага келган тақдирда ICSIDга мурожаат қилиш учун розиликни ўзида мужассам этган ҳужжатнинг тегишли қисми, асосан ХИШлар, давлатларнинг миллий қонунчилиги ёхуд кўп томонлама шартномаларига (**субъектив тест**) асосан қўлланиладиган синов¹⁷. Аниқроқ қилиб айтганда, ўз юрисдикциясини аниқлаши учун арбитраж суди тегишли равишда таҳминий сармоя – инвестиция сифатида, сармоя киритувчи эса инвестор ушбу икки томонлама тестнинг ҳар бир қисмига мувофиқлигини аниқлаши лозим. Икки босқичли тест асосан ICSID конвенциясига мувофиқ ташкил этилган судлар томонидан қўлланилади.

ICSID конвенцияси “*ташқи чегара*” бўлиб хизмат қилиши мумкин бўлса-да, амалдаги инвестиция шартномасидаги таърифларни эътиборсиз қолдирмаслик керак. Агар инвестициялар субъектив мезонлар бўйича мақбул бўлиб кўринса, лекин ICSID конвенциясининг объектив мезонларига жавоб бермаган ҳолатда, трибуналлардан бири ҳеч бўлмаганда битта суд иккинчисининг “талқини зиддиятга эмас, балки мувофиқликка эришишни кўзлаши лозим” деган қарорга келди.

Икки томонлама тестни қўллашда судлар биринчи навбатда ICSID конвенцияси мезонларига мос келишини текширишлари, сўнг эса инвестиция шартномаси мезонларини текширишга киришишлари керак.

Бир кўринишда “инвестиция” атамаси барчага бирдек тушунарли. Бироқ, кўриб турганимиздек биргина атаманинг талқини атрофида кўпгина бахс-мунозаралар келиб чиққан бўлиб, “инвестиция” атамасини талқин қилиш арбитрлардан анчагина билим ва халқаро арбитраж судлари амалиётини ўрганишни талаб этади. Юқорида кўриб чиқилган ўзига хос методлар сармоя киритилган ёки йўқлигини аниқлаш йўлидаги асосий инструментлар ҳисобланиб, арбитраж тарихида кўпгина “инвестиция” талқини билан боғлиқ масалаларни ечишда арбитрларга қўл келган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйҳати:

1. Convention on the Settlement of Investment Disputes between States and Nationals of other States (signed 18 March 1965, entered into force 14 October 1966) 575 UNTS 159 (ICSID Convention) (Appendix 12 below) art 25.
2. Schreuer, C, The ICSID Convention: A Commentary, Cambridge University Press, 2009, p. 125.
3. Borzu Sabahi, Noah Rubins, Don Wallace: Investor-State arbitration, 2nd edition, Oxford University Press, 2019, p. 920.
4. Schreuer, C., Investments, International Protection, in Wolfrum, R. (ed.), Max Planck Encyclopaedia of Public International Law, 2013.

¹⁶ <https://jusmundi.com/en/document/decision/en-phoenix-action-ltd-v-czech-republic-award-wednesday-15th-april-2009>

¹⁷ Schreuer, C, The ICSID Convention: A Commentary, Cambridge University Press, 2009, p. 125.

5. Gaillard, E., Identify or Define? Reflections on the Evolution of the Concept of Investment in ICSID Practice, in Binder, C. and Others (eds.), International Investment Law for the 21st Century, 2009, pp. 403-416.
6. Krista Nadakavukaren Schefer: International investment law, Edward Elgar Publishing, 2020, p. 711.
7. Campbell McLachlan and others: International investment arbitration, Oxford university press, 2nd edition, 2017, p. 630.
8. <https://jusmundi.com>
9. <https://investmentpolicy.unctad.org>
10. <https://www.italaw.com>

